

Ёзилмаган қонун

11:31 / 27.03.2017 3252

Табиатнинг ёзилмаган лекин, ҳамма ўзидан ўзи табиий ҳолда амал қилаверадиган бир қонуни бор. У фақат инсоният олами билан чекланиб қолмай, балки ҳайвонот оламини ҳам ўз ичига олган. Унинг олдида барча бирдай бош эгади. У фарзандига яхшилик қилишдир. Фарзандга муҳаббат ҳиссини Аллоҳ таоло барчанинг қалбига бирдай солиб қўйган. Ҳар қандай бағритош кимса ҳам бундан холи эмас. Халқимизнинг "Мен боламни дейман, болам боласини", "Онанинг кўнгли болада, боланинг кўнгли далада" каби мақоллари айна ҳақиқат. Ёшлигида кўнгли далада, тенгдошлари билан ўйнаб кулишда бўлади. Вақти келиб фарзандли бўлгач, боласи билан овора бўлади-да, онаси бечора яна қолиб кетаверади.

Аллоҳ азза ва жалла Ҳаким зотдир. У шундай бўлишини билгани учун ҳам бандаларига ота-онага яхшилик қилишга такрор-такрор буюрган. Қуръони каримнинг ўн саккиз жойида ота-онага яхшилик қилишга буюрган. Улардан баъзиларини келтириб ўтамыз:

"Биз инсонни ота-онасига яхшилик қилишга буюрдик..." (Аҳқоф сураси, 15 оят).

"Раббингиз, Унинг Ўзигагина ибодат қилишингизни ҳамда ота-онага яхшилик қилишни амр этди. (Эй, инсон!) Агар уларнинг бири ёки ҳар иккиси ҳузурингда кексалик ёшига етсалар, уларга «уф!..» дема ва уларни жеркима! Уларга (доимо) ёқимли сўз айт!* Уларга, меҳрибонлик билан, хорлик қанотини паст тут ва (дуода) айт: «Эй, Раббим! Мени (улар) гўдаклик чоғимда тарбиялаганларидек, Сен ҳам уларга раҳм қилгин!" (Исро сураси, 23-24-оятлар).

* "Уларга ёқимли сўз" деганда ота-онани номи билан чақирмаслик, балки "отажон, онажон" каби сўзлар билан ёш гўдакларга хос муомала қилиш, уларни ранжитадиган гапларни гапирмаслик, улар олдида ўзини қул ёки чўрилардек тутиш кабиларни тушиниш керак.

Эътибор берсангиз, Аллоҳ таоло Қуръони каримда бирор марта ҳам "болангга яхшилик қил" демаган. Қарангки, биз айтган қонун очиқ-ойдин

"Қуръони карим"нинг бирор жойида зикр қилинмаган. Балки, болалари билан овора бўлиб, ўзларининг дунёдаги жаннатлари бўлган ота-оналарини унутиб қўйиб, кейин пушаймон бўлмасинлар деган мақсадда Тағобун сурасининг 15-оятида:

"Сизларнинг мол-мулкларингиз ва фарзандларингиз фақат бир синовдир. Улуғ мукофот эса Аллоҳнинг ҳузуридадир", деб марҳамат қилган. Шундай экан, ҳар бир одам бу синов ва имтиҳон учун берилган молу дунё ва фарзандларга овора бўлиб, оёғи остидаги жаннати-онаси, унинг хизматини қилиб, дуосини олиш, жаннатнинг калити бўлган отасини ёдидан чиқармаслиги лозим.

Хулоса: Яхши кўрган болаларингизга овора бўлиб, сизни ҳам, суюкли фарзандларингизни ҳам жонидан ҳам яхши кўриб, ҳар вақт сиз унинг ҳолидан хабар олсангиз, олмасангиз ҳам: "Эй Парвардигорим, мени шамчироқларимни Ўзинг қайда бўлсалар ҳам бало-қазолардан асрагин, олтин бошларини омон қилгин", деб дуо қилиб, сизга хайрихоҳ ва доим дуолари ҳамроҳ бўлган азиз ота-онангиз, қиблагоҳларингизни унутиб қўйманг!

Баҳодир Баҳромжон ўғли